



Барчангиз бир амирнинг атрофига жипслашиб турган ҳолингизда бир киши келиб, бирлигингизни бузишни ва жамоатингизни ажратишни хоҳласа, уни ўлдиришлар!

Арфажа разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Барчангиз бир амирнинг атрофига жипслашиб турган ҳолингизда бир киши келиб, бирлигингизни бузишни ва жамоатингизни ажратишни хоҳласа, уни ўлдиришлар!»

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда агар мусулмонлар бир ҳоким остига бир жамоа бўлиб йиғилсалар, сўнгра бирор киши ҳукм талашиб ёки мусулмонларни жамоаларга бўлиш учун келса, уни ёмонлигини даф қилиш ва мусулмонларни қонини сақлаш учун уни ман қилишлари ва урушишлари вожиб бўлишини хабар бердилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/58223>

